



ISSN 2181-9297

Doi Journal 10.26739/2181-9297

**СЎЗ САНЪАТИ  
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ**

---

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ  
ИСКУССТВО СЛОВА**

---

**INTERNATIONAL JOURNAL  
OF WORD ART**

№5 (2019)



TOSHKENT-2019

**Бош муҳаррир:**  
**Холбеков Муҳаммаджон**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Главный редактор:**  
**Холбеков Мухаммаджон**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Editor in Chief:**  
**Kholbekov Muhammadjan**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Тўхтасинов Илҳом**  
ф.ф.д., доцент (Ўзбекистон)

**Заместитель главного редактора:**  
**Тухтасинов Илхом**  
к.ф.н., доцент (Узбекистан)

**Deputy Chief Editor**  
**Tuhtasinov Ithom**  
Ph.D. Ass. Prof. (Uzbekistan)

**Таҳрир ҳайъати:**

**Редакционная коллегия:**

**Editorial Board:**

**Назаров Бахтиёр**  
академик. (Ўзбекистон)

**Назаров Бахтиёр**  
академик. (Узбекистан)

**Bakhtiyor Nazarov**  
academician. (Uzbekistan)

**Якуб Умарўғли**  
ф.ф.д., профессор (Туркия)

**Якуб Умар оғли**  
д.ф.н., профессор (Туркия)

**Yakub Umarogli**  
Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)

**Алмаз Улви Биннатова**  
ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

**Алмаз Улви Биннатова**  
д.ф.н., профессор (Азербайджан)

**Almaz Ulvi Binnatova**  
Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)

**Боқиева Гуландом**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Бакиева Гуландом**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Bakieva Gulandom**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Миннуллин Ким**  
ф.ф.д., профессор (Татаристон)

**Миннуллин Ким**  
д.ф.н., профессор (Татарстан)

**Minnulin Kim**  
Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)

**Маҳмудов Низомиддин**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Махмудов Низомиддин**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Mahmudov Nizomiddin**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Керимов Исмаил**  
ф.ф.д., профессор (Россия)

**Керимов Исмаил**  
д.ф.н., профессор (Россия)

**Kerimov Ismail**  
Doc. of philol. scien., prof. (Russia)

**Жўраев Маматкул**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Джураев Маматкул**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Juraev Mamatkul**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Куренов Рахиммамед**  
к.ф.н. (Туркменистон)

**Куренов Рахыммамед**  
к.ф.н. (Туркменистан)

**Kurenov Rakhimmamed**  
Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

**Кристофер Жеймс Форт**  
Мичиган университети (АҚШ)

**Кристофер Джеймс Форт**  
Университет Мичигана (США)

**Christopher James Fort**  
University of Michigan (USA)

**Умархўжаев Мухтор**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Умархаджаев Мухтар**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Umarkhodjaev Mukhtar**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Мирзаев Ибодулло**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Мирзаев Ибодулло**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Mirzaev Ibodulla**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Болтабоев Ҳамидулла**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Балтабаев Ҳамидулла**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Boltaboev Hamidulla**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Дўстмухаммедов Хуршид**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Дустмухаммедов Хуршид**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Dustmuhammedov Khurshid**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Лиходзиевский А.С.**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Лиходзиевский А.С.**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Lixodzievsky A.S.**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Сиддиқова Ирода**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Сиддикова Ирода**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Siddiqova Iroda**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Шиукашвили Тамар**  
ф.ф.д. (Грузия)

**Шиукашвили Тамар**  
д.ф.н. (Грузия)

**Shiukashvili Tamar**  
Doc. of philol. scien. (Georgia)

**Юсупов Ойбек**  
масъул котиб, доцент  
(Ўзбекистон)

**Юсупов Ойбек**  
доцент (Узбекистан)  
отв. секретарь

**Yusupov Oybek**  
Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior  
Secretary

**Pagemaker | Верстка | Саҳифаловчи:** Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амир Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

# МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

## Тилшунослик / Языкознание / Linguistics

- 1.Карабаева Б.Б.**  
КОГНИТИВ ТИЛШУНОСЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИНИНГ ИЛМИЙ  
НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....5
- 2.Мавлонов О.А.**  
ЎЗБЕКИСТОНДА ТЕОЛИНГВИСТИКА.....11
- 3.Маннонова С.А.**  
РАСМИЙ ХАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА  
СУБЖАНРЛАРИ.....19
- 4.Мўминова Д.А.**  
ДЕЙКСИСНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТИ.....26
- 5.Тоирова Д.Ф.**  
ЭМИЛЬ ЗОЛЯНИНГ АСАРЛАРИДА КУНЛИК ФАОЛИЯТНИ ТАҲЛИЛ  
ЭТИШ.....38
- 6.Shukurova B.B.**  
NAZAR ESHONQUL NI KOYALARIDA KONTRAST USULINING  
AN'ANAVIY VA ZAMONAVIY ASPEKTLARI.....45

## Адабиётшунослик / Литературоведение / Literary criticism

- 7.Жуманова Д.Қ.**  
МУМТОЗ ҲАЖАЛЛАР ТАҲЛИЛИ ВА ТАЛҚИНИ.....52
- 8.Назаров С.Ҳ.**  
Й.В.ГЁТЕ "ФАУСТ" АСАРИДА КОНЦЕПТУАЛ МЕТАФОРА ТАҲЛИЛИ.....58
- 9.Шофиев О.**  
ЎЗ МУҲИТИГА СИФМАГАН ОДАМ ОБРАЗИ (Эркин Аъзам ижоди мисолида)..66
- 10.Юлдашева Д.М.**  
СИНТАКТИК ТАКРОРЛАРНИНГ БАДИИЙ- ЭСТЕТИК ИМКОНИЯТЛАРИ..75

## Таржимашунослик / Переводоведение / Translation Studies

- 11.Муҳамедов Х.А.**  
ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИНИНГ ФАН СИФАТИДА  
ШАКЛЛАНИШИ (ҲАЙБУЛЛА САЛОМОВНИНГ "ТИЛ ВА ТАРЖИМА"  
МОНОГРАФИЯСИ МИСОЛИДА).....81

## МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

<b>12. Гулямова Г.Я.</b> БАДИЙ МАТН ТАРЖИМАСИДА ТРАНСФОРМАЦИОН МЕТОД ХУСУСИЯТИ.....	87
<b>13. Мирзаахмедова М.Й.</b> ТАРЖИМА ИЛМИ МАСАЛАСИ ЮЗАСИДАН ФИКРЛАР.....	94
<b>14. Улмасбаева М.А.</b> КОГНИТИВНЫЙ АНАЛИЗ НАЦИОНАЛЬНОГО КОЛОРИТА В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ПЕРЕВОДЕ.....	105
<b>Санъат ва журналистика/ Искусство и Журналистика / Arts and Journalism</b>	
<b>15. Музаффарова С.Х.</b> МИЛЛИЙ ЭСТРАДА САНЪАТИ ТАРАҚҚИЁТИДА СЎЗ, МУСИҚА ВА ИЖРО УЙҒУНЛИГИ МАСАЛАЛАРИ (шоир, бастакор ва хонанда ҳамкорлиги мисолида).....	113
<b>16. Мусаева Н.А.</b> ХИТОЙ МАТБУОТИДА ЎЗБЕК-ХИТОЙ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ ("БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ" ЛОЙИҲАСИ АСОСИДА).....	118
<b>17. Ходжиматова М.К.</b> СЎЗ САНЪАТИНИНГ МАЪНАВИЙ ҚУДРАТИ.....	123
<b>18. Ибрагимова У.</b> ЖОНЛИ СЎЗНИНГ САҲНАВИЙ ИФОДАВИЙЛИГИ.....	129
<b>Лингводидактика ва методика/ Лингводидактика и методика/ Linguodidactics and methodology</b>	
<b>19. Зоирова Д.А.</b> ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА КОММУНИКАТИВ-КУМУЛЯТИВ МЕТОД АСОСИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ САМАРАЛИ ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.....	135
<b>20. Иканова Л.С.</b> БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ОНА ТИЛИДАГИ МАТНЛАРНИ ЎҚИБ ТУШУНИШ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.....	145
<b>21. Хасанова Д.К.</b> ХАЛҚАРО PIRLS БАҲОЛАШ ДАСТУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА ЎҚИШ ВА ЁЗУВ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИ.....	152
<b>22. Имамова У.М.</b> ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШДА АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ.....	162


**СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ  
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА  
INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART**

**Тилшунослик / Языкознание / Linguistics**

**Карабаева Барно Бобир қизи**

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети таянч докторанти

**КОГНИТИВ ТИЛШУНОСЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИНИНГ  
ИЛМИЙ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-5-1>

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу илмий мақолада когнитив тилшуносликнинг шаклланиши, ривож ва истиқболлари таҳлил этилади. Унинг назарий жиҳатларини очиб беришда миллий ва хорижий олимларнинг қарашлари тизимлаштирилган ва илмий хулосалар чиқарилган.

**Калит сўзлар:** Когнитив тилшунослик, Роналд Лангакер, идиома, физиологик бирик, когнитив семантика.

**Карабаева Барно Бобир кизи**

Базовой докторант, Узбекского государственного университета мировых языков

**НАУЧНАЯ ОСНОВА КОГНИТИВНОЙ ЛИНГВИСТИКИ**

**АННОТАЦИЯ**

В этой научной статье анализируются этапы формирования, развития и перспективы когнитивной лингвистике. Систематизированы взгляды национальных и зарубежных ученых и сделаны научные выводы при раскрытии его теоретических аспектов.

**Ключевые слова:** Когнитивная лингвистика, Роналд Лангакер, идиома, физиологическое соединение, когнитивная семантика.

**Karabaeva Barno Bobir kizi**

PhD student, Uzbekistan State World Languages University

**THE SCIENTIFIC BASIS OF COGNITIVE LINGUISTICS**

## ANNOTATION

This scientific article analyzes the stages of the formation, development and prospects of cognitive linguistics. The views of national and foreign scientists are systematized and scientific conclusions are drawn upon revealing its theoretical aspects.

**Key words:** Cognitive linguistics, Ronald Langaker, idiom, physiological connection, cognitive semantics.

Юртимизда когнитив тилшунослик яқин давр мобайнида тадқиқ этилишни бошлаган бўлса-да, бу фан аслида ўтган асрнинг 80-йилларидан ўрганила бошланган эди. Мамлакатимизда эса бу йўналиш янги соҳа ҳисобланиб, бу соҳада изланишлар яқиндагина бошлангани сабабли когнитив тилшунослик оёққа туриш жараёнида етакчи олимлар сифатида Д.У.Ашурова, Ш.С.Сафаров, А.Э.Маматов ва бошқаларнинг ҳиссалари чексиз ҳисобланади.

Когнитив тилшуносликнинг вужудга келиши, ривожланиши ҳамда шаклланишида албатта Европа олимларининг ўрни ҳам эътиборга моликдир. Мисол тариқасида, замонавий когнитив тилшуносликнинг вужудга келиши америкалик олимлар Дж. Лакофф, Роналд Лангакер, Рей Джекендофф ва бошқаларнинг илмий ишлари билан боғланади [1, p283]. Хусусан, ғарб олимлари когнитив тилшуносликни иккига бўладилар: когнитив грамматика ва грамматик конструкция.

Когнитив грамматика атамасини Роналд Лангакер тил назариясини ифодалаш учун киритган. Олим "Cognitive grammar" асарида грамматикани концептуализация ва образ сифатида талқин қилади [2, p34].

Инсоннинг кундалик воқеа-ҳодисаларга муносабати тилнинг когнитив назариясининг амалда қўлланиши билан узвий боғлиқдир. Зотан, биз йиллар давомида ҳосил бўлган ҳаёт тажрибамиз, билим ва кўникмаларимиз асосида воқеликдаги у ёки бу тарзда мавжуд бўлган нарса-предметлар, воқеалар, ҳодисалар ҳақида фикрлай оламиз ва ана шунга таянган ҳолда ўзаро сўзлашув жараёнида нутқимиз бекаму кўстлигига эришамиз.

Ҳозирги замон тилшунослигида когнитив йўналиш лексик-семантик сатҳдаги таҳлиллар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унга кўра тил умумий когнитив механизм бўлиши билан бирга, когнитив қурол тарзида ахборотнинг тақдимотини, код ёрдамида узатиш ва ўзгартириш вазифасини бажарувчи белгилар тизими ҳамдир.

Юқорида таъкидлаганимиздек, когнитив тилшуносликда инсонга хос бўлган когнитив тузилма ва усуллар ёрдамида ахборотни тўла эгаллаб олиш механизмлари ўрганилади. Зеро, интенсивликни ифодаловчи сўзлар ҳам борлиқ ҳақидаги билим ва тасаввурларни ифода этишга хизмат қилади.

Сўз маъносини англашда фақат унинг семантик тузилмасини билишимиз камлик қилади. Биз муайян тилда сўзлашувчи одамларнинг тафаккур хусусиятлари, фикрлаш тарзлари ва дунёни тил унсурлари ёрдамида билиш хусусиятларидан ҳам хабардор бўлишимиз лозим.

Грамматикага когнитив ёндашиш тил тизимининг табиатидан келиб чиққан ҳолда моделлаштириш билан шуғулланади. Грамматикага когнитив ёндашувчи хориж тилшунослардан бири Роналд Лангакер (1987, 1991) когнитив принципларни лингвистик даражага кўтарди. Муаллиф ўзининг Cognitive Grammar назариясида умумий когнитология ва грамматика структурасидаги боғлиқликни тасвирлашга ҳаракат қилади.

Мазкур йўналиш тадқиқотчиларидан Филмор, Кэй (1988), Лакофф (1987)

Голдберг (1995, 2006), Крофт (2002) кабилар маълум бир тилдаги лингвистик бирикмаларни шаклан ва маъно жиҳатдан чуқурроқ тасвирлашга ўз этиборларини қаратади. Ушбу тадқиқотчилар тил бирикларини инвентаризациялашга ҳаракат қилишади. Улар тилда мавжуд бўлган морфемалардан сўзларни, идиомаларни ва физиологик бирикмаларни структура жиҳатидан, бирика олиш имкониятлари нуқтаи назаридан таҳлил қилишади. Бу йўналиш тадқиқотчилари конструктив грамматика назариясини тараққий этиришга ҳаракат қилишган. Бу умумий ёндашув когнитив нуқтаи назардан қаралганда тилнинг асосий бирлиги сифатида констракция деб аталадиган шакл ясашига асосланади.

Замонавий лингвистик йўналишлардан бири бўлган когнитив грамматиканинг асосий мақсади "тилни англаш воситалари орқали турли структуравий билим шаклларига кириш ва улар ҳамда тил билан боғлиқлик ўртасидаги муносабатни " аниқлашдан иборатдир. Когнитив грамматиканинг асосий асосий тушунчаси, бу грамматик структуранинг символик хусусияти ҳисобланади.

Когнитив тилшунослик хусусан икки йўналишга бўлинади:

- 1) когнитив семантика
- 2) когнитив грамматика

Когнитив семантика йўналиши тил нуқтаи назаридан ўрнатилган семантик структура ва уни онг орқали билиш, билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этилади. Когнитив семантика билан шуғулланадиган тадқиқотчилар билимни маъноли конструкция нуқтаи назаридан таҳлил қилишади. Когнитив семантика тадқиқотлари лингвистик семантика тадқиқотларининг инсон онгида моделлаштириш орқали олиб борилади.

Когнитив тилшуносликнинг мавзуси ҳақида яна бир буюк олим И. А.Бодуен де Куртене лисоний тафаккур орқали борлиқ ва мавҳумликнинг барча соҳаларида лисоний билишнинг шахсий ва моддий, психологик ва ижтимоий дунёқарашларнинг ўзига хос томонларини пайқаш мумкин деган ғояни олға сурган.

Когнитив тилшуносликнинг вазифалари борлиқни билиш тизимларни ўрганиш, ахборотни қайта ишлаш жараёнлари ва шу вақтнинг ўзида инсоннинг билиш қобилиятининг умумий принципларини бир ментал механизмга жамлаб тадқиқ қилиш ва уларнинг ўзаро алоқадорлигини топишдан иборатдир. Тилнинг когнитив назарияси асосини қуйидаги назарий таълимотлар ташкил этади:

- эмпирик ёндашувнинг ўрнига гипотетик-дедуктив ёндашув кириб келди;
- тил ментал феномен сифатида талқин қилина бошланди;
- тил фаолиятининг ижодий ва янгилик яратувчилик хусусиятлари ҳақидаги таълимот вужудга келди;
- грамматика ва тилнинг грамматик изоҳининг ажралмас қисми сифатида семантик компонент тан олинди.

Улардан ташқари, бугунги кунда когнитив тилшунослик ичида қуйидаги янги йўналишларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- 1) когнитив фонология (А.А.Абдуазизов) ;
- 2) когнитив грамматика;
- 3) когнитив лексикология;
- 4) концептуал семантика ва фрейм семантикасини ўзида мужассамлаштирган когнитив семантика;
- 5) дискурсни когнитив жиҳатдан ўрганиш.

Юқорида гувоҳи бўлганимиздек, когнитив тилшуносликнинг ўз ривожланиш босқичлари ва йўналишлари мавжуд экан. Ундан ташқари, когнитив тилшунослик

замонавий мустақил фан сифатида когнитология фанидан ажраб чиқди ва асосий вазифаси "идрок фаолияти ҳақидаги ахборотни олишдир"[3,4-10с]. Ушбу когнитив тилшуносликнинг асосий вазифаси инсон томонидан тилни ўзлаштириш механизмлари, бу механизмларнинг таркибини системавий тасвирлаш ва тушунтиришдан иборатдир.

Когнитив тилшуносликнинг бошқа когнитив фанлардан фарқи унинг тадқиқот объектидир, чунки у онгли билишни тил материаллари асосида ўрганади ва ўз методларига эгадир. Когнитив таҳлилда оламни билиш жараёнида юзага келадиган мантиқий структураларнинг лисоний ифода топишини таъминловчи механизмларга боғлиқ метод ва воситалар тадқиқи асосий ўринни эгаллайди.

Инглиз тилшунослари когнитив тилшуносликнинг уч гипотезасини келтирадилар, яъни:

- а) тил - мустақил бўлмаган когнитив соҳа;
- б) грамматика концептуализация дегани;
- в) тил ҳақидаги билим тилни қўллаш натижасида юзага келади [4,34]

Бу уч гипотеза когнитив тилшуносликдаги синтаксис ва семантиканинг генератив грамматика ва мантиқий семантика каби йўналишларига асос солди.

Юқорида келтирилган таҳминларни шарҳлаб чиқиш зарур. Биринчи таҳминда генератив грамматикага қарама-қарши ҳолда ривожланувчи, ҳамда нолисоний когнитив хусусиятларни ҳодиса сифатида талқин қилинишини инкор этувчи омиллар ўрганилади.

Иккинчи принципда эса семантик метатил ҳақиқат ва ёлғондан келиб чиқадиган ҳодиса сифатида талқин қилинадиган ҳақиқат борлиққа асосланган семантикага қарама-қарши қўйилади.

Учинчи принцип бир йўла генератив грамматика ва ҳақиқатга асосланган семантикада мавжуд бўлган йўналишларга асосланган.

Албатта, юқорида кўрсатилган йўналишлар шартли равишда фарқланади, чунки бундай туркумлаш замонавий когнитив тилшуносликда мавжуд бўлган қарашларни белгилаб беради, холос.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тилшуносликнинг муҳим бир қисмига айланиб улгурган замонавий когнитив тилшунослик бугунги кунда нафақат Еропада, балки юртимизда ҳам жуда катта аҳмият касб этмоқда.

Ҳозирги даврда тилшуносларнинг олдида концептосфера ва оламнинг лисоний тасвири орасидаги фарқни аниқлаш каби муҳим вазифа турибди. Концептосфера - бу фикрлаш доираси бўлиб, ҳаёлий тасвирлардан иборат концептлар мажмуасидир.

Концептосферага когнитив классификаторларга ҳам тегишлидир. Оламнинг лисоний тасвири эса, концептосферанинг тил бирликлари, маънолар йиғиндисидан иборатдир.

Миллат концептосферасининг маълум қисми оламнинг лисоний тасвирида ўз аксини топади ва бу тушунча когнитив тилшуносликнинг ўрганиш предмети сифатида қабул қилинади.

Турли халқларнинг оламнинг лисоний тасвирини ўрганиш жараёнида турли миллатларнинг концептосфераси концептлар тузилиши ва уларнинг тузилиши тамойиллари жиҳатидан фарқли хусусиятларга эгадир. Тилшунослар бу фарқларни таржима назарияси, дунё тиллари типологияси, чет тилини ўргатиш жараёнида аниқлаганлар.

Турли миллатларнинг оламнинг лисоний тасвирини солиштириб ўрганишда, борлиқни инсон тасаввурида акс этишининг ўхшаш жиҳатлари ва шу вақтнинг ўзида ўзига хос миллий жиҳатларни кўриш мумкин.

Концептосфера ҳам, оламнинг лисоний тасвири ҳам ўз хусусиятига кўра бир хилдир, улар фикрлаш объектидир. Концептосфера тилда ҳам, алоҳида бир лексемада ҳам бўлиши мумкин; концептосфера яна бирор бир жанр, инсон борлигининг бирор бир аспектида ва ижтимоий бир статуснинг номи бўлиши мумкин. Баъзи олимлар концептосферанинг ушбу жиҳатларини концептга ҳам ҳос деб ҳисоблашади. Концепт ва концептосфера терминларининг ўхшаш томонларини уларнинг инсон онгида пайдо бўлиб, бирор-бир образни тасвирлашида кўрадилар.

З.Д.Попова, И.А.Стернинлар оламнинг лисоний тасвирининг вужудга келишини қуйидаги жиҳатларини кўрсатиб ўтадилар:

1) тилнинг номинатив воситалари - лексема, турғун номинациялар, тилнинг номинатив birlikларининг мавжуд эмаслиги орқали;

2) тилнинг функционал birlikлари - тил системасида мавжуд бўлган, кўп қўлланадиган лексика ва фразеология орқали;

3) тилнинг образли воситалари - миллий хусусиятга эга образлилик, метафора, тил birlikларининг ички формаси орқали;

4) тилнинг фоносемантикаси орқали [5,314с].

Оламнинг лисоний тасвирини қуйидагича тавсифлаш мумкин:

<b>1</b>	<b>тилда акс этган борлиқнинг бўлишини тил парадигмалари орқали ифодалаш</b>
<b>2</b>	тил birlikларининг миллий хусусиятлари (турли тиллардаги бир хил маънога эга бўлган сўзларнинг семантик фарқланиши)ни кўрсатиш;
<b>3</b>	тил системасида мавжуд бўлмаган birlikлар (лакуналар)ни топиш, (солиштирилаётган тилларнинг фақатгина бирида кўрсатилаётган) birlikларни аниқлаш.

Оламнинг лисоний тасвирини ўрганиш лисоний мазмунга эга бўлиб, унда тилда мавжуд бўлган элементлар ва уларнинг қай тартибда жойлашгани ўрганилади. Бироқ тадқиқотчи ўз изланишларини когнитив йўналишда олиб борса, у ҳолда оламнинг лисоний тасвирини тасвирлаш учун лингвокогнитив тадқиқотга мурожаат қилиши зарур. Бунда концептосфера ва борлиқни концептуал тасвирлаш ўрганилади.

А.А.Залевскаянинг фикрича, тил birlikлари, сўзлар инсоннинг ахборот базасига ягона йўл ҳисобланади, шу билан бирга тил birlikлари ва сўзлар когнитив структурани аниқлаш методи ҳамдир.

В.А.Маслова оламнинг лисоний тасвирини лингвомаданиятшунослик нуқтаи назаридан борлиқни нарса, ҳодиса, жараёнларни миллий аҳамиятига асосан ўзига хос бўёқларда кўрсатадиган жараён сифатида таърифлайди.

Оламнинг лисоний тасвирига бўлган қизиқиш В.Гумболдт асарларида ҳам учрайди. Унинг фикрига кўра, турли тиллар миллат учун ўзларининг такрорланмас тафаккури ва билиш органидир. XX асрнинг охирларига келиб, бу муаммога бағишланган кўплаб илмий асарлар вужудга келди - Г.А.Брутян, С.А. Василев,

Г.В. Колшанский, М. Блек ва бошқалар. Демак, оламнинг лисоний тасвирини ўрганиш инсон хусусиятлари ва унинг яшаш тарзини ифода этган дунёнинг концептуал тасвирини ўзаро мутаносибликда олиб бориш зарур. Инсоният фаолияти рамзий бўлиши билан бирга, ҳам универсал, ҳам миллий хусусиятга эгадир.

### Адабиётлар

---

1. Лангаккер Рональд. Когнитивная грамматика. М.: Российская Академия Наук, 1992.
2. Croft W. and Alan Cruse D. Cognitive Linguistics. Cambridge: Cambridge University Press, 2004.
3. Попова З.Д., Стернин И.А. Когнитивная лингвистика. - М.: АСТ: Восток-Запад, 2007.
4. Залевская А.А. Когнитивизм, когнитивная психология, когнитивная наука и когнитивная лингвистика // Когнитивная лингвистика: современное состояние и перспективы развития. Тамбов, 1998.
5. Маслова В.А. Лингвокультурология. - М.: Изд. центр "Академия" , 2007.



ISSN 2181-9297

Doi Journal 10.26739/2181-9297

# СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

---

## МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

---

## INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

№5 (2019)

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амир Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000